



Кун нафаси



Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Тожикистон Президенти **Имомали Раҳмон** жорий йил 2-3 июнь кунлари **расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.**



Ўзбекистон Республикасининг «Кўп квартиралар уйлари бошқариш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбари «Истеъмол бозорларида нархлар барқарорлигини таъминлашга ва монополияга қарши чораларнинг таъсирчанлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармониغا имзо чекди.



Тошкентда «Марказий Осмийнинг барқарор ривожланишини таъминлашда Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги стратегик шерикликнинг аҳамияти» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ташкил этилди.

Бош прокуратурада Республика ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари мувофиқлаштирувчи Кенгашининг навбатдаги йиғилиши ўтказилди.



2022 йилнинг 2-4 июнь кунлари Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХХТ) амалдаги раиси, Польша ташқи ишлар вазири **Збигнев Рау** Ўзбекистонга ташриф буюради.



Фарғона шаҳрида Жанубий Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги – KOICA билан шерикликда **касб-хунарга ўқитиш маркази очилди.**



Инновацион ривожланиш вазирига «Springer Nature» компаниясининг Марказий Осмийдаги вакиллари ҳамкорлигида «Springer Nature ахборот ресурслари – Ўзбекистон олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотларининг илмий-тадқиқот ва нашр фаолиятини ошириш воситаси сифатида» мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Келгуси сонларда ўқинг...



Андижон вилояти

Касаба уюшмалари –

БОЛАЛАРГА!

Акция



Андижон шаҳридаги «Баркамол авлод» мактабида 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан «Касаба уюшмалари – болаларга» акцияси доирасида «Болаларга беринг дунёни!» деб номланган тантанали тадбир ўтказилди.

Унда 280 нафар кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, яқка-ёғиз ва кўп болали оилаларнинг фарзандлари қатнашди. «Баркамол авлод» болалар мактабининг тўгарак аъзолари тенгдошларига беғубор ёшликни тараннум этувчи бадий-музыкали дастур намойиш этишди.

Шунингдек, турли мусобақалар ва савол-жавоблар викторинаси ўтказилди. Болажонларга ўқув қуроллари ва ҳойиллар томонидан турли хил ўйинчоқлар тарқатилди. **Насибохон Тўрақуллова,** Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Андижон шаҳар кенгаши раиси



Фарғона вилояти

Ҳуқуқ

Даъвогар ҳақ эди, аммо...

Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судининг 2022 йил 14 мартдаги ҳал қилув қарори билан Барно Фозилованинг ишга тиклаш масаласида қилган даъво аризаси қаноатлантиришсиз қолдирилди.

Ўрганишлар ўтказилгач, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори Барно Фозилованинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш мақсадида фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вилоят судига фуқаронинг номидан апелляция инстанциясига шикоят аризаси киритди.

Суд давомида «Асака банк» АЖ томонидан Барно Фозилованинг нисбатан муддатли меҳнат шартномаси тузиш ва муддатли меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида чиқарилган буйруқларда қонун бузилиши ҳолат-

лари ҳамда фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судининг 2022 йил 14 мартдаги ҳал қилув қарориди ҳолат тўлиқ ўрганилмагани меҳнат ҳуқуқ инспектори томонидан етарлича далиллар ва қонунлар билан исботлаб берилди.

Юқоридагиларга асосан фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вилояти судининг 12 майдаги ҳал қилув қарориди фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судининг 2022 йил 14 мартдаги ҳал қилув қарори бекор қилиниб, «Асака банк» АЖнинг Барно Фозилова билан тузил-

ган меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруғи ғайриқонуний деб топилиб, Барно Фозилова ўз ишига тикланди. Унга иш берувчи томонидан етказилган маънавий зарар учун 5 миллион сўм, мажбурий проғул вақти учун 21 миллион сўм миқдорда пул маблағлари ундирилиши белгиланди.

Мансуржон УСМОНОВ, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Меҳнат инспекциясининг Фарғона вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқ инспектори



Сурхондарё вилояти

Сурхондарё вилояти ҳокимлигига!

НУРОНИЙЛАРНИНГ ИШ ҲАҚИНИ КИМ ТўЛАЙДИ?

Президентимизнинг 2020 йил 18 февралдаги «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонининг 6-бандига биноан «Нуроний» жамғармаси ва вилоят, туман-шаҳар бўлимлари тугатилди.



Улар ҳеч бўлмаганда ойлик маошини ундириб олишдан умидвор. Шу мақсадда ҳатто «Маҳалла» хайрия жамоат фондига бир неча марта мурожаат йўллаган. Лекин натижа йўқ.

Ватан равнақи йўлида астойдил меҳнат қилган нуронийлар иш ҳақини яна қанча кутиши керак? Мутасаддилар бунга нима дер эканлар?

Абдукарим ҲАЙДАРҚУЛОВ, собиқ «Нуроний» жамғармасининг Термиз тумани бўлими раиси

Бу тушунарли. Аммо... Жамғарманнинг Сурхондарё вилояти бошқармасида самарали фаолият юритган нуронийлар фаоллари ойлик маошини, солиқ тўловлари, коммунал тўловлар, алоқа ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлардан жами 277,1 миллион сўм миқдордаги маблағини қайтариб ололмади сарсон-саргардон бўлиб юришибди.



Сирдарё вилояти

Сирдарё «Мурувват» ногирон аёллар учун интернат уйида «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун ҳамда жамоа шартномаларидаги бандлар ижроси юзасидан ўрганиш ўтказилганда ишловчи ҳодимлар учун белгиланган имтиёз бажарилмай, меҳнат ҳуқуқлари поймол бўлгани аниқланди.

Ўрганиш

ИМТИЁЗ НЕГА АМАЛДА ЭМАС?

Гап шундаки, тиббиёт ходимлари махсус кийим – халат ва қалпоқ билан таъминланмай, чикимдор бўлишларига йўл қўйилган.

Ваҳоланки, Меҳнат кодексининг 217-моддаси, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 18-моддаси ҳамда вазирлик ва тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши ўртасида тузилган «Тармоқ келишувининг 6.6-бандида соғлиқни сақлаш ва тиббиёт ишлаб чиқариш ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа яқка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул бериш назарда тутилган. Қолаверса, муассасанинг амалда бўлган жамоа шартномасида ҳам бу имтиёз белгиланган.

Ушбу камчиликларни бартараф қилиш бўйича интернат уйи директори номига ёзма кўрсатма киритилди. Шундан сўнг 36 миллион 270 минг сўмга тиббий халат ва тиббий қалпоқ харид қилинди ва 130 нафар тиббиёт ходими махсус кийим билан таъминланди.

Аброр ҒАНИЕВ, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши Сирдарё вилояти бўйича меҳнат техник инспектори

«Ishonch»га жавоб берадилар

Ҳуқуқий идоралар хулосаси керак

«Ishonch» газетасининг 2022 йил 5 апрелдаги «Механизм мурвати соз... эмас(ми?) сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Ҳисоб палатаси ушбу мақолага қўйидагича муносабат билдирди:

Ҳисоб палатаси фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида доимий равишда назорат тадбирларида доир амалга оширилган ишлар ҳақида жамоатчиликни хабардор этиб келмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ҳар бир оқиб борилаётган назорат тадбирлари натижасида аниқланган қўпол хато-камчиликлар, хусусан, қонунбузилиш ҳолатлари бўйича тўпланган ҳужжатлар айнан ҳолатга ва ҳаттоликка сабабчи бўлган масъул мансабдор шахслар фаолиятига тегишли ҳуқуқий баҳо бериш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилмоқда.

Шу ўринда, мақолада қайд этилганидек, аниқланган тегишли қонунбузилиш ҳолатлари бўйича Молия вазирлиги Ҳазратчилик бўлинмаларининг бевосита алоқадорлиги ёки масъулиятсизлиги аниқланган ҳолатларда фақатгина суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан қонунчиликка мувофиқ ҳуқуқий баҳо берилиши ва тегишли қонуний чоралар қўрилишини маълум қиламиз.

Ҳисоб палатаси шўба мудири **З.Иватов**



Бухоро вилояти

ОРОМГОҲЛАР ҚУЧОҚ ОЧМОҚДА

Бу йил Бухоро вилоятида ёзги мавсумда 17825 нафар ўғил-қиз соғломлаштирилиши режалаштирилган.

Бу ҳақда болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш ишларига тайёрлик кўриш ҳамда мавсумни юқори савияда ўтказишга оид комплекс чора-тадбирлар ва кўрсатмалар ижросига бағишлаб ўтказилган ўқув-семинарда батафсил маълумот берилди.

Тадбирда соғломлаштириш майдончалари, «Баркамол авлод» болалар мактаблари туман-шаҳар бўлимлари, маънавий-ахлоқий тарбия ва болаларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича шўъба раҳбарлари қатнашди.

Қайд этиш лозимки, мавсум давомида вилоятдаги 145 та стационар – шаҳарорти ва кундузги оромгоҳларда 17 минг 825 нафар ўғил-қиз соғломлаштирилиши режалаштирилган. Шундан 11 та стационар оромгоҳда 6 минг 650 нафар, 134 та кундузги оромгоҳда 11 минг 175 нафар боланинг соғломлаштирилиши кўзда тутилган.

Семинарда ҳамкор ташкилотлар ходимлари билан биргаликда тадбир иштирокчиларига оромгоҳларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўғил-қизларнинг мазмунли дам олишларини таъминлаш, кутубхоналар фондиди бойитиш сингари қатор муҳим масалалар бўйича тегишли тавсиялар берилди.

Адолат АКРАМОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси Бухоро вилояти
кенгаши бўлим мудир



Фарғона вилояти

Қувасой шаҳридаги «Ниҳол» болалар оромгоҳида жорий йилги ёзги соғломлаштириш мавсумини намунали ўтказишга бағишланган ўқув-семинар ташкил этилди.

МАВСУМ кўнгилдагидек ўтади

Унда Фарғона вилояти мувофиқлаштирувчи гуруҳ аъзолари, оромгоҳ раҳбарлари, бош тарбиячилар, етакчилар, тўғрак раҳбарлари, спорт мураббийлари, ҳисобчилар, ошпазлар ҳамда оромгоҳда фаолият юритадиган тиббиёт ходимлари иштирок этишди.

Қайд этиш жоизки, бу йилги ёз мавсумида вилоятдаги 17 та стационар оромгоҳда 11 минг нафар болани дам олдириш ва соғломлаштириш режалаштирилган.

Семинарда асосий масалалар қаторида оромгоҳларда хавфсизлик чораларини кўриш, ўғил-қизларга мазмунли дам олишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, малакали тиббий хизмат кўрсатиш, озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини назорат қилиш, шунингдек, болажонларнинг сузиш ҳавзаларида чўмилиши фақат сузиш инспекторлари назорати остида амалга оширилиши лозимлиги қайд этилди.

– Жорий мавсумда 1 минг 200 нафар ўғил-

қизни қабул қиламиз, – дейди «Кимёгар» болалар оромгоҳи раҳбари Саодатхон Мўминова. – Болажонларнинг мазмунли дам олиши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ошхона, ётоқхона, сузиш ҳавзаси таъмирдан чиқарилди. Энг асосийси, малакали педагог ходимларни ишга жалб қилганмиз.

– Ўтган йилги танқидлардан тўғри хулоса чиқарган ҳолда, мавсумга тайёрлик ишларини анча эрта бошладик, – дейди Олтиариқ туманидаги «Юлдуз» болалар оромгоҳи раҳбари Баҳодир Холмирозев. – Оромгоҳга салкам 2 километр масофадан ичимлик сув тортиб келинди. Душлар бутунлай янгиланди. Оромгоҳ ҳудудидаги ички йўллар таъмирланди. Ишончим комилки, болажонлар «Юлдуз»да эсда қоларли ҳордиқ чиқаришади.

Семинар иши шўъбаларга бўлинган ҳолда давом этди.

Жамшид ЭРГАШЕВ,
«ISHONCH»



Қашқадарё вилояти

Қарши шаҳар халқ таълими бўлими томонидан шаҳардаги 1-интисослаштирилган давлат умумтаълим мактабининг бир қатор ходимларига «ҳайфсан» интизомий жазоси қўлланилди.

Бундан норози бўлган ходимлар вазият юзасидан Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Қарши шаҳар кенгашига мурожаат қилишди. Кенгаш раиси Шерзод Йўлдошев мурожаатни ўрганиш асносида интизомий жазо қўлланилиши чоғида Меҳнат кодекси талабларига риоя этилмаганини аниқлади ва бу ҳақда Халқ таълими бўлимига кўрсатма тайёрлади. Қўлланилган интизомий жазо шу асосда бекор қилинди.

Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиалининг киме фани ўқитувчиси Лобар Худойбердиева кет-

ма-кет икки марта жароҳлик амалиётини бошидан ўтказди. Муаллимига соғлиғини тиклаши учун шаҳар кенгаши моддий ёрдам ажратди.

Шаҳардаги 27-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси Азизбек Турдиев оёғидан жароҳат олди ва «операция» столига ётишга мажбур бўлди. 28-давлат мактабгача таълим ташкилоти ёрдамчи тарбиячиси Шаҳноза Тўраеванинг бошига мусибат тушди, ота-онасидан ажраб қолди. «Баркамол авлод» мактаби ходимаси Ҳуснида Тоҳированинг эса волидаси вафот этди. Юқоридаги синовли ҳолатларда касаба уюшмалари ходимларнинг яқин ҳамдарди бўлди. Шаҳар кенгаши томонидан уларга кўмак берилди. Умуман олганда, йил бошидан буён 80 нафарга

яқин кам таъминланган, ёш оила вакилларига шу тариқа моддий ёрдамлар тақдим этилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва Халқ таълими вазирлиги ўртасида имзоланган қўшма қарорга кўра, Қарши шаҳридан ўтган йили 46 нафар педагог «Қашқадарё соҳили» санаторийсида бепул дам олдирилган бўлса, бу йил яна 16 нафар халқ таълими методисти ёки мактаб директорини соғломлаштириш режалаштирилган. Ҳозирча уларнинг 6 нафари ўз саломатлигини тиклади.

Январь ойидан бугунгача 600 нафардан зиёд ходимнинг Бухоро, Самарқанд вилоятлари ҳамда вилоятдаги зиёратгоҳ жойларга саёҳати ташкил қилинди. Жамоа шартномаларига кўра, 8 нафар

пенсияга чиқаётган ходимга бир марталик моддий ёрдам берилди. 7 нафар фахрийга юбилей саналари муносабати билан совғалар тақдим қилинди. Тармоқ тизимида фаолият олиб бораётган 24 нафар ходимнинг яқин қариндошларига санаторий йўлланмалари ажратилди.

Ҳозиргача 30 та нодавлат мактабгача таълим муассасасида касаба уюшма ташкилоти тузилди ҳамда улар шаҳар мактабгача таълим бўлими касаба уюшма кўмитасига бириктирилди. Қисқа вақтда улар аъзолик афзалликларини ҳам ҳис қилишмоқда. Масалан, яқинда нодавлат секторда ишлайдиган 4 нафар ходимга моддий ёрдам ажратилди.

Акмал АБДИЕВ,
«ISHONCH»

Аъзолик афзалликлари

Ёнингиздаги кўмакдош



Хоразм вилояти

Миннатдорлик

35 йилдан буён ҳамшира бўлиб ишлайман. Фаолиятим давомида меҳнатимизни касаба уюшмалари томонидан кўп бор эътироф этилганига гувоҳ бўлдим.



МЕҲРНИ МУДОМ ҲИС ЭТАМИЗ

Айниқса, ташкилотнинг ўрта тиббиёт ходимларига бераётган эътибори катта. Иш берувчи ва ходим ўртасида бирор англашилмовчилик юзага келса, биринчи навбатда касаба уюшмасига мурожаат қиламиз. Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилояти кенгаши раиси Рашид Йўлдошев, раис ўринбосари Гулҳоним Аминова масалани тезкорлик билан ҳал қилишади.

Ҳар йили «Ҳамшира» танлови, меҳнат қонунчилигига доир билим ва кўникмаларни мустаҳкамлаш мақсадида амалий семинарлар ўтказиб келинмоқда. Ҳамширалар ўртасида спорт мусобақалари уюштириш анианага айланган. Кўплаб тиббиёт муассасаларида соғломлаштириш хоналари, спорт майдончалари ташкил қилинган.

Яқинда вилоятимиз тиббиёт ходимлари Бухоро ва Самарқанд шаҳарларига саёҳатга боришди. Улар орасида бизнинг муассасамиз ҳамширалари ҳам бор. Ушбу саёҳат бизда унутилмас таассурот қолдирди.

Бизни ҳар доим қўллаб-қувватлаб, меҳр ва эътибор марказида тутиб келаётган касаба уюшмаларидан миннатдоримиз.

Роза АЛЛАЯРОВА,
Хоразм вилояти силга қарши
курашиш диспансери бош ҳамшираси



Навоий вилояти

Кейинги йилларда иш берувчиларнинг ишчи-ходимларни меҳнат қонунчилигига амал қилмасдан ишдан бўшатиш ҳолатлари кўп учрамоқда. Бунини шу ҳақидаги шикоятлар кўп сайин кўпайиб бораётганидан ҳам билиш мумкин.



Семинар

ДОЛЗАРБ МАВЗУДА МУЛОҚОТ

Яқинда Навоий вилояти Маърифат ва маънавият марказида иш берувчи ва ходим ўртасидаги долзарб муаммолари масалаларни аниқлаш, уларни бартараф этиш юзасидан семинар бўлиб ўтди.

Унда фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилояти суди судьяси Феруз Ҳамидов, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Навоий вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори Алишер Раҳматов ва вилоят бандлик бош бошқармасининг меҳнат ҳуқуқ инспекцияси бошлиғи ўринбосари Нодир Жўраев сўзга чиқиб, меҳнат қонунчилиги билан боғлиқ янгиликлар, тартиб-қоидалар ҳамда ходимларни ишдан бўшатишда амалдаги ҳужжатларга амал қилиш лозимлиги хусусида фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Тадбирда қатнашчилар меҳнат қонунчилигига боғлиқ саволларига атрофлича жавоб олишди.

Алишер РАҲМАТОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси
Навоий вилояти кенгаши меҳнат
ҳуқуқ инспектори





Сурхондарё вилояти

Саломатлик. Бу қадрли неъматни муҳофаза қилиш борасида юртимизда изчил иш...



Оғриқ тишлар...

СУКУТДАГИ САВОЛЛАР

Афсуски, ана шу «аммо»дан куюнасан киши. Ангор тумани тиббиёт бирлашмаси тасарруфидоги 4-қиллоқ оилавий поликлиникасининг «Юқори таллимарон» ва «Тўлқин» маҳаллаларида яшовчи 8 минг нафарга яқин аҳолига хизмат кўрсатувчи «Тўлқин» филиалида тиббий хизматни ташкил этиш талаб даражасида эмас. Бу ҳақда филиалнинг оилавий шифокори Фаррух Бобомуродов кунчаклик билан шундай дейди: - Адашмасам, филиал биноси 2000 йилларнинг бошида қишлоқ врачлик пункти деб қурилган. Шундан буён бино 2020-21 йилларда қайта таъмирланди. Очиги, фаолиятимиздан кўнглим тўлмайди. 12 та хонадан иборат бинодоғи бирор-бир хона на ичимлик сув, на табиий газ қувурларига уланган. Лаборатория ва физиотерапевтик хоналаримизда тиббий асбоб-анжомлар йўқ. Кундузги стационар йўқ. Мумкин бўлган ҳолда қишлоқда 4 та каравот олиб кириб қўйганмиз. Даярли бемор ётмайди. 1 та хона ижтимоий дорихонага ажратилган. Беморлар ўша ердан керакли дори-дармонларни сотиб олиб, уйларида бориб даволанаверишади. - Филиалда биринчи тиббий ёрдам учун ажратилдиган дори-дармонлар таъминоти қай даражада? - Аслида бизда 66 турдаги дори воситалари туриши шарт. Афсуски, 23-30 турдаги дори-дармон билан таъминланиб келмоқдамиз. Туманимиздаги мутасадди раҳбарларга қилган мурожаатларимиз ва сўровларимиз жавобсиз қолмоқда. Ишонасизми, 4 нафар патронаж ҳамширанинг оддийгина махсус суммаси йўқ. Шундай экан, биз тиббий, физиотерапевтик жиҳозлар билан таъминланиш ҳақида ўйла-масак ҳам бўлади. Фаррух Бобомуродовнинг фикрларини филиалда ишлайдиган 8 нафар патронаж ҳамшира ҳам тасдиқлади. Улар ҳам ўзларига яратилган шароитлардан норози эканликларини айтишди. Биз бу ҳолатга муносабат билдиришини сўраб, 4-қиллоқ оилавий поликлиникаси мудираси Озода Файзиева билан телефонда болгандик. - Филиалда нимани кўрган бўлсангиз, барчаси рост, - деди у. - Биз ҳам қараб турганимиз йўқ. Филиални тоза, сифатли ичимлик сув билан таъминлаш учун ҳаракат қиляпмиз. Тўғри, ўтган йилдан буён биринчи тиббий ёрдам учун 66 турдаги дори-дармон бўлиши шарт. Камчиликлар бор, аста-секин йўлга тушади. Тиббий жиҳозлар муаммоси ҳам бартараф этилади. - Ҳозирги аҳволда ходимлар қандай ишлайди, - дея сўрадик? - Изига тушади. Келгусида муаммолар бўлмайди. - Одий патронаж сумка билан таъминланмаган ҳамширалар қандай хизмат кўрсатади? - ... Мудири опа бу саволга сукут билан жавоб берди. Сукутда эса саволлар кўп...

Рустам ДАВЛАТОВ, «ISHONCH»

Педагог-психолог маслаҳати

Уйимизда оилавий муҳит яхши, ўн тўрт ёшли қизимнинг бирор кам-қўсти йўқ. Аммо унинг таълимни ўзлаштириши худаям суст. Уй вазифаларини секин бажаради, хатоларига бефарқ. Боламни невропатолог кўригиза ҳам олиб бордим. У бош мия функцияларининг ишлашини ривожлантирувчи дори-дармонларни ҳам қабул қилди. Ваҳоланки, барча тиббий текширувлар меъёрида, унинг организмидоғи оқсил ва витаминлар етарли. Лекин мен унинг келажигидан ҳавотирдам. Қандай маслаҳат берасизлар?

Гулсанам АҲМЕДОВА.

Бўка тумани

БОЛАМ ФАНЛАРНИ СУСТ ЎЗЛАШТИРМОҚДА

- Англашимча, қизингиз табиатан босиқ, эрка ва тортинчоқроқ бўлиб ўсаяпти. Аммо болаликдаги қайсидир даврда унинг руҳиятига таъсир этувчи воқеанинг таъсирини ҳам тушган бўлиши мумкин. Боиси, ўн тўрт ёшли болаларнинг, айниқса, қизларнинг ўта вазминлиги ёки лоқайдлиги кўпроқ психологик ривожланиши билан боғлиқ бўлади. Уни ўқишга қизиқтириш ёки хатти-ҳаракатларини тезлаштиришига кўмак бериш учун «Blits-ўйин» машғулоти тавсия этаман. Бу ўйин ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизимини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Методни амалга ошириш учун аввал бирор фан мавзуси юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни қоғоз-бланкаларда тарқатма материаллар алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиқлаб ўрганиш талаб этилади. Масалан, адабиёт фанида Ўткир Хошимовнинг «Дунёнинг ишлари» асарини биргаликда мутолаа қилиш ва натижани билиш учун мана шу методни қўллашнинг мумкин. Унинг фикрлари билан қизиқиш, баҳслашиб суҳбатга киришасиз. Бу машқни мактаб ўқитувчиси амалга оширсин, янада мақсадга мувофиқ бўлади. Унга ўз билиминини баҳолаш учун 15 дақиқа вақт берасиз ва ҳар бир балл учун фикрини исботлашини талаб этасиз. Ушбу ўйин синфхонада бажарилса, унинг билими учун гуруҳдошлари ҳам балл қўйишади. Тезкор таъриф, тезкор баҳс ва баҳо бу усулнинг қоида-си-дири. Аслида биргаликдаги фаолият ўқимирга катталарни яхшироқ тушуниши, тезроқ ахборот алмашиши ва натижа учун интилишига ёрдам беради. Ўқимир ўзида бўлаётган ўз-ғаришлар, уни ташвишга солаётган муаммолар ҳақида катталар билан бўлишига ўзи сезмаган ҳолда эҳтиёж сезади, лекин буни ҳеч қачон биринчи бўлиб ўзи бошламайди. Ўқимир ўзига нисбатан ёш болалардек қилинадиган муоаммага қаттиқ норозилик билдиради. Ўқимирлар мулоқоти низоҳасида ўз-ғарувчанлиги билан характерланади. Бугунги кунда ёшларда девонант ҳулқ-атвориға таъсир этадиган омилларга сабаб: - оилада ота-онанинг фарзандларга эътибори камлиги; - оилада ижтимоий мулоқот-

нинг йўқлиб бораётгани, ота-оналарнинг ўқимир ёшидаги фарзандларини психологик жиҳатдан тушунмаслиги; - компьютер ўйинларига ружу қўйиши, ижтимоий тармоқлардан нотўғри фойдаланишлари, минтақитетимизга зид бўлган тури се-риал ва фильмларни кўп кўриш-ларидир. Ўқимирлик даврига кимнингдир хатти-ҳаракатини имитация қилиш хосдир. Кўпинча улар ўзларига таниш ва ёқадиган катталарнинг ишларини тақлид билан бажарадилар. Ўқимирлик ёшига хос бўлган психологик хусусиятларни ўргана туриб, ўқимирлар шахсининг шаклланиб, ривожланиб, камолатга эришиш йўллари ва унга таъсир этадиган биологик ва ижтимоий омилларнинг бево-сита таъсирини тушуниш мумкин. Бу даврда ўқимир бахтли болалик билан хайрлашган, лекин катталар ҳаётида ҳали ўз ўрнини топа олмаган ҳолатда бўлади. Шунинг учун уларнинг ёнида бўлиш ва руҳан узоқлашмаслик лозим.

Роҳатой ЭҒАМНАЗАРОВА, Тошкент шаҳридаги 282-мактаб психологи

Сизни яхши кўраман, онажон!



Яқинда қадрдон дугонанинг онаси тўсатдан вафот этди. Дугонам қутилмаган мусибатдан гангиб қолди, кейин ўқиб-ўқиб йиғлади. Кўнгли сўрага борганимизда дилида борини тўкиб солди: «Онамни жуда-жуда яхши кўрадим. Лекин бу ҳақда ўзига бирон марта ҳам айтмагандим. Мана шуниси энди кўнглимда бир умрлик армон бўлиб қолди».

Алам ва изтироб тўла бу гаплар менга қаттиқ таъсир қилди. Кечаси алламоҳал-гача ухлай олмадим. Негаки, аллақачон 17 ёшга тўлган бўлсам-да, мен ҳам онамга уни гоёта яхши кўришимни бирон марта очик-ошкора изҳор этмагандим. Боз устига, ҳозир Тошкентда ўқийётганим, узоқ вақтдан буён қишлоққа борганим сабабли уйимдаги-ларни роса соғингандим... Ахйри, бўлмади, соғинч ҳисси барчасидан устун келди. Қоқ ярим тунда - соат иккида кўл телефонимдан онажонимга кўнғир-қоқ қилдим. Қилдим шу заҳотиёқ ўчирдим. Акс ҳолда онамнинг уйқусини бузимши, хавотирга қўйишим мумкинлигини эслаб қолдим. Бу ишимдан афсус чека-чека, бир амаллаб уйқуга кетдим. Эрталаб эса онамнинг ўзи мени йўқлаб, телефон қилди. Иккимиз анча суҳбатлаш-дик. Гап орасида мулоимгина оҳангда «Мен Сизни яхши кўраман, ойижон», дедим. Биласизми, шунда нима бўлди?.. Онам бирдангина жимиб қолди. Анчадан кейин чўқур ўрсингани-ю, йиғи аралаш «Мен ҳам, қизим...» дегани эшитилди. Менинг ха-ёлимга эса, қанийди ҳозир уйда бўлсаму онамни маҳкам кучоқласам, кўзларига ти-

килиб, бояги сўзларимни бот-бот такрорла-сам, деган фикр келди. Кейин кўнглимда бо-шқа яқинларимга ҳам айтадиган гапларим, билдирадиган тилакларим кўпчилиги ҳақида узоқ ўйладим. Ҳа, вақт ниҳоятда юғриқ, умр ўткинчи. Биз мана шу оддий ҳақиқатни ҳар доим ҳам теран тушунамизми? Тушунсак, аксариятимиз нега фурсат ганиматиди яқинларимиз ҳол-аҳволи-дан хабар олмаймиз, турли сабабларга кўра ёрдамга муҳтож бўлиб қолганларидан нега бирор кўнгли сўраб, уларни баҳоли қудрат қўллаб-қувватлаётимиз? Мана шундай хайр-ли ва савобли ишлар турганда, нима учун қимматбаҳо вақтимизни гоҳида бекорчи нар-саларга сарфлаймиз. Шундай экан, келинг, бир-биримизни авайлайлик, айниқса, ота-онамиз ва бош-қа жигаргўшаларимиздан меҳр-мурувва-тимизни, жила курси, бир-икки оғиз ширин сўзимизни дарёғ тутмайлик. Уларга тез-тез ҳаммаларини яхши кўришимизни айтиб ва амалда исботлаб турайлик. Бу оламда ин-сонда фақат яхшилик қолишини зинҳор-ба-зинҳор унутмайлик.

Садоқат АБДУВАЙТОВА, ЎзЖОКУ талабаси

«New Life sug'urta kompaniyasi» АЖ акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида хабарнома

Ҳурматли акциядорлар! «New Life sug'urta kompaniyasi» акциядорлик жамияти Кузатув кенгашининг 2022 йил 1 июндаги қарорига асосан Жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши 2022 йил 24 июнь куни, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳқўчаси, 47-ўйда жойлашган Жамиятнинг бош офиси биносида ўтказилади. Йиғилиш соат 17:00 да бошланади. Акциядорларни рўйхатга олиш соат 16:30 дан бошланади. Акциядорларни рўйхатга олиш соат 16:55 да тугатилади. Умумий йиғилиш ўтказиш учун жамият акциядорлари реестри 2022 йил 20 июнь ҳолатига тузилди. Электрон почта манзили: info@nlj.uz. Йиғилиш кун тартиби: 1. Жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш. 2. Саноқ комиссияси аъзолари таркибини тасдиқлаш тўғрисида. 3. Жамият фаолиятининг 2021 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида. 4. Жамият фаолиятининг 2021 йил якунлари бўйича Тафтишчисининг ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида. 5. Жамият томонидан 2021 йил якунлари бўйича кўрилган соф фойдани тақсимлаш тўғрисида. 6. Жамиятнинг ўтган йилларда тақсимланмаган фойдасини тақсимлаш, жамият акцияларига дивиденд тўлаш тўғрисида. 7. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш тўғрисида. 8. Жамиятнинг ижро этувчи органи раҳбари ваколатини ўзайтириш тўғрисида. 9. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳи-

Ташкент шаҳри, Юнусobod туманидаги 260-А(327) сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2021 йилда Шаҳобов Рамазон Камолитдин ўғли номига берилган УМ № 1167981-рақамли шаходатнома йўқолгани сабабли бекор қилинади. Тошкент вилояти, Чиноз туманидаги 3-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2018 йилда Хайитбоев Азим Ғайратжон ўғли номига берилган У № 8489167-рақамли аттестат йўқолгани сабабли бекор қилинади.



БўЛАЖАК чемпионлар баҳси

«Шахмат ўйновчиларда мантиқий фикрлаш, эслаб қолиш қобилияти, диққатни жамлаш, кучли прода, ижодий таҳлил ва инсоннинг ақл-заковати шаклланиб бораверади», деганида Гёте нақадар ҳақ эди.

фардан ортиқ бола қатнашди. Улар 9 турдан иборат шведарча тизимда беллашди. - Набирам ҳали мактабга чиқмаган, лекин шахмат тўрагаги мунтазам қатнашади, - дейди Тугмажон Азимбаева. - Шу сабаб бўлса керак, хотираси кучли, фикри теран. Бу каби турнирлар эса уларнинг шахматда қизиқишини янада оширади. Бунинг учун ташкилотчиларга раҳмат! Беллашувлар якунида гоилблар - Муҳаммад-зоҳид Суяров, Акбарали Абдуҳақимов, Алмас Санатуллаев, Асадбек Обидов, Ферузбек Собиров ва Султонбек Нуруллаевлар «Artel» компанияси томонидан муносиб рағбатлантирилди. Турнир давомида ОАВ ҳодимлари ўртасида ҳам шахмат мусобақалари бўлиб ўтди.

Диёра РАВШАНОВА, «ISHONCH»



«Artel» компанияси «Sky Chess» шахмат мактаби ҳамкорлигида 1 июнь - Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб ўтказган шахмат турниридан ҳам шундай мақсад - ёш авлоднинг ақл-заковати ва интеллектини янада ривожлантиришга хизмат қилишдек эзгулик мужассас эди. Пойтахтимиздаги «Autogarh» санъат галереясида ўтказилган очик турнирда 14 ёшгача ва блиц ўйнаш тахрибасига эга бўлган 60 на-

МУАССИС: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi. ISSN 2010-5002. 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalari тахрир ҳайъати: Кудратилла РАФИҚОВ, Улуғбек ЖАЛМЕНОВ, Анавар АБДУМУХТОРОВ, Сайфулло АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Равшан БЕДИЛОВ, Кутлимурот СОБИРОВ, Сухроб РАФИҚОВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Ҳамидулла ПИРИМУҚЛОВ, Нодира ҒОЙИБНАЗАРОВА, Анавар ҚУЛМУРОДОВ

Меҳридин ШУКУРОВ, Валентина МАРЦЕНЯК

Бош муҳаррир Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар: Касаба уюшмалари ҳаёти, Ҳўқуқ ва халқаро ҳаёт, Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт, Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш, Маркетинг ва обуна

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги аниқликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишигиз мумкин.

Ҳудудлардаги муҳбирлар: Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон вилояти, Бухоро вилояти, Жиззах вилояти, Наманган вилояти, Навоий вилояти, Самарқанд вилояти, Сирдарё вилояти, Сурхондарё вилояти, Фарғона вилояти, Хоразм вилояти, Қашқадарё вилояти

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри тахрират нукта назаридан фарқлиниши мумкин. Навбатчи муҳаррир: А. Ҳайдаров. Мусаффо: У. Худойберганова. Саҳифаловчи: Ҳ. Абдужалилов.

Босишга топшириш вақти - 22:40. Топирилди - 22:50. Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Бўюртма V- 5178. 34245 нусхада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133.

Баҳоси келишилган нархда. Манзиллимиз: 100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй. E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқиди. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: Алишер Навоий кўчаси 30-уй. Тахрират ҳисобрақами: 2021 0000 0004 3052 7001, АТИБ «Iproteka bank» Яшнобод филиали, банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130